


ЭРТАГА—СССР ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИ КУНИ

● ЭРТАГА СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти куни. Ана шу санани «Менжинский» кема экипажи аъзолари ҳам ўзларининг аъло хизматлари билан кутиб олмақдалар. Мана, чорак асрдики, кемага биринчи ранг капитани О. Дурандин командирлик қилиб келмоқда. Суратларда: кема командири О. Дурандин (юқорида), «Менжинский» кема экипажи навбатдаги машқ пайтида (пастда).

С. Козлов фотолари.
ТАСС фотохроникаси.



«МЕРИДИАН»—
ЎСМИРЛАР
КЛУБИ

Акмал Икромов райониди 12 та ўсмирлар клуби бўлиб, унда тажрибали педагог ҳамда спорт инструкторлари иш олиб боришмоқда. Клубларда фотоспорт, теннис, спорт шўхрати бурчаклари ташкил этилмоқда. Ҳар ойда «Билим» жамияти район ташкилотининг лекторлари, район ички ишлар бўлими ходимлари, Улуг Ватан уруши ҳамда меҳнат ветеранлари иштирокида лекция ва суҳбатлар ўтказиб турилади.

2-ўй-жойлардан фойдаланиш участкасидаги «Меридиан» индустриал клублардан бири ҳисобланади. Меридианчилар Саратов, Тула, Львов шаҳарларидаги тенгқўрлар билан хат орқали ўзаро тажриба алмашиб туришади.

Р. ИБРОХИМОВ.

ҲАМ ЧЕВАР,
ҲАМ САНЪАТСЕВАР

Паркент район комсомол комитети «Ғунча» тикувчилик фабрикаси ёшлари ўртасида «Балли, қизлар» конкурсини ўтказди. «Ўз кучининг синаб кўр» деб номланган бу конкурсда бичиш-тичишда, байрам дастурхонини безаш ҳамда қўшиқ ёки рақс ижро этишда 4-дех ишчилари ўзаро баҳс-лашди.

Конкурснинг барча шартларини қаққонлик билан аниқ бажарган Ф. Муҳаммадналиева галиб деб топилди. Конкурс иштирокчилари район комсомол комитетининг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари топирилди.

Р. УСМОНОВА.

БУ САҲИФАДА: ● АНЪАНАВИЙ БАЙРАМ ● ТЕЛЕСПЕКТАК ЛЪ
● ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИДА ● ПРЕМЬЕРАСИ ● МАДАНИЙ ҲАЁТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Спорт

ФУТБОЛ

«Пахтакор»

қачон ўнгланади?

Мана, биринчи лига командалари чемпионатининг ярмига ҳам яқин ясади. «Пахтакор» охириги турда Ригада «Даугава»га йирк 0:7 ҳисобида ютказди.

Тошкентлик футболчилар ўтган йили ҳам, бу йил бошларида ҳам чиройли ўйин кўрсатишга ваъда беришган бўлсаларда, бунинг урдадан чиколмай келишпти. Салкам 55 минг ўйинли стадион ҳувиллаб қолди. Ўйин кунлари бу ерга кўпи билан мингга яқин томошабин келишини нима билан баҳолаш мумкин! Сафарда эмас, ҳатто ўз майдониди ҳам жуда бўш, исзис ўйнаётган футболчилардан кўп сонли мухлислар жуда қаттиқ ранжиганмоқда. Республика футбол федерацияси, «Пахтакор» кўнгили кишлоқ спорт жамияти Марказий Совети, қолаверса, спортга оид барча муносабатли ташкилотларни команданинг бугунги аҳоли ташвишига солмаптимикин! «Пахтакор» командаси ташкил топгандан бундан ҳеч қачон бундай мушкул аҳолга тушиб қолмаган эди. Бу ҳол қачонгача давом этаркин!

Командаларнинг биринчи даврандан кейинги турнир жадалиди аҳоли куйиди:

Командалар	Тўплар	Очио
Даугава	55—22	37
ЦСКА	38—20	33
Гурия	34—28	30
Помир	32—22	29
Ротор	34—22	27
Динамо (Бт)	28—26	27
СКА (Курпети)	19—14	26
Шинник	38—24	26
Локомотив	34—25	26
Ростсельмаш	38—32	26
Колос	23—26	24
Пахтакор	29—38	23
СКА (Р)	26—24	22
Металлург	26—24	21
Котайк	17—18	21
Факел	20—25	20
Кубань	17—20	20
Спартак (Ор)	30—33	19
Искра	14—31	18
Кузбасс	25—36	18
Динамо (Ст)	22—29	17
Атлантас	16—27	16
СКА (ХБ)	24—38	15
Нистру	14—19	10

ДИЛ ТОРТАР
СУҲБАТ ЖОЙИ

Чиноз район «Қизил Октябрь» колхозиди 10 та дала шийпонининг ҳаммаси киши дили тортадиган қилиб тартибга келтирилиб, самарали меҳнатдан сўнг яхши ҳордиқ чиқариш жойига айлантирилди. Дала шийпонларида «Социалистик мусобақа» акрани ташкил этилган. Ҳар кунги меҳнат якунлари уларда акс эттириб борилади. Галиблар шарафига «Меҳнат шўхрати» байроғи кўтарилапти. Бу ерда тез-тез лекция ва суҳбатлар уюштириб турилади.

Яқинда Қаршибой Эгамназаров бошлиқ 10-бригадада колхоз бош бухгалтери Шермат Жақов меҳнат интизомини мустақамлаш бўйича суҳбат ўтказди. 45-ўрта мактаб ўқитувчиси Шаарофат Тўраева, 9-мактаб ўқитувчиси Болта Тўрабоев, КПСС XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми материаллари бўйича лекциялар ўқиди.

— Колхоз бўйича 24 агитатор, 12 лектор, 18 сиёсий

ахборотчи бу йил 150 дан ортиқ лекция ва суҳбатлар ўтказди, — дейди биз билан суҳбатда ҳужалик партия комитетининг секретари Абдурауф Абдуллоев.

Кейинги вақтларда меҳнат-кашларда ҳалқаро аҳолга қизиқшиш кўп бўлаётгани учун четдан малакали лекторларни ҳам жалб этилмоқда.

Ҳўжаликдаги дала шийпонларида яқин кунларда ичкилибозилик ва алкохолизмга, меҳнатсиз даромадга қарши кураш мазмунларида лекция ва суҳбатлар ташкил этилиб, олимлар билан учрашувлар уюштириш кўзда тутилмоқда.

А. НАБИХҲАЕВ,
А. ТОЖИЕВ.

ТЕЛЕЭКРАН ҚАРШИСИДА

«ОМОН БЎЛСАНГ, УНУТМА!»

Ўзбекистон телевидениеси адабий-драматик кўрсатувлар бош редакцияси иккинчи ўйини кейинги пайтда давр билан ҳамроҳанг ҳаттор телеспектакл ва видеофильмларни яратиб, телетомошабинлар эътиборига ҳавола этилмоқда. Уларнинг аксарияти санъат мухлислари ўзини жалб этмоқда.

Биз аса шу кунларда номойиш этилган ва тинчликсевар халқлар хотирасида дахшати из қолдирган Улуг Ватан уруши йилларига доир лавҳани ўзида муқассамалантирган яна бир янги асар ҳақида тўхталмоқчимиз. Бу СССР Давлат муқофоти лауреати, давринининг етук адабларидан бири Валентин Распутиннинг «Омон бўлсанг, унутма!» асари асосида тайёрланган телеспектаклидир.

Асар қаҳрамони Андрей 3 йил мобайнида урушда қон кечиб, қаҳрамонлик кўрсатади. У тенгсиз жанг-да оғир жараланиб, госпиталга тушади. Бироз соғайгач, 1—2 кунга севигилсиз Насеҳани кўриб келиш учун уйига жўнайдди. Лекин анчагина қилиб кетди. Виждон азоби уни қийнаб турган пайтда, хотинини ҳомилалдор бўлгани, унинг илтиқоси туфайли бу муқаддир яна қўзиб юборади.

Мана шу ердан асарнинг кульминацион ечим бошланади. Томошабин кўз ўнгид

да Андрейнинг (уни артист Абул Рашидов ўйнаган) иккинчи ўйинидаги ҳуқур руҳий изтироқлари акс этади. Бир томондан фронтга қайтмагани ва ўз бурчига солиқ қолмаётгани учун унга ишбатан ғазаб уйғонса, иккинчи томондан, шўққамал урушининг қора қилимлари кишида нафрат кўзгайди.

Чунки у туфайли инсонлар бир-биридан умрбод ажралидлар, эзгу ниятларига ета олмайдилар, малун уруш туфайли севигилсиз, фарзандидан жудо бўлидилар.

Бизнингча, ёзувчининг маҳорати ҳам, спектакль ижодкорларининг хизмати ҳам шундаки, улар инсоният келажиги учун уруш нақадар хатарли тус олиши, бун

тун бир авлодни ҳалокатга олиб келишини кўз ўнгимизда тасвирлаб бера оланлар.

Бу ўринда режиссёр Ҳамидулла Қаҳрамоновнинг гарб ва рус классик адабиётлари намуналарини саҳналаштириб ортиқриг тажрибалари анча кўл келганлигини эътироф этиш керак. У моҳир телережиссёр сифатида саҳналаштирган А. П. Чеховнинг «Илтимос», М. Зощенконинг «Қилиш-қилирмиш», П. Мерименнинг «Омон ва дўзах» А. Несининг «Ҳазиллаш одамлар» каби телеспектакллари қайта-қайта намойиш этилмоқда. 2 киёмли мазкур асарни саҳналаштириш билан режиссёр ўзининг изла-нувчан, мушоҳадаси кенг санъаткор эканлигини кўрсатди. Спектаклнинг муваффақиятида Ўзбекистон ССР халқ артисти М. Орипов (Михевич), (Надя) артист Ш. Сафоева сингари санъаткорларни, постановкачи-оператор Б. Гуроровнинг хизматларини ҳам алоҳида таъкидламоқчимиз.

Телеспектаклнинг қатор ютуқларини ҳолисона тан олган ҳолда, кўзга ташланган айрим камчиликларини ҳам кўрсатиш лозим.

Спектакль авторнинг пьесаси асосида саҳналаштирилган. Лекин айрим ўринларда шу номдаги пьеса эпизодларидан фойдаланил

● СУРАТДА: телеспектаклдан бир кўриниш.
Б. Сиддиқов фотоси.



НИМА,
ҚАЧОН,
ҚАЕРДА?

Шанба ва якшанба кунлари меҳнаткашларнинг дам олиш кунларини қизиқарли ўтказиш мақсадида областимиз шаҳар ва районлари стадион, маданият ва истироҳат боғлари, саройларида қўйидаги тадбирларни ўтказиш белгиланган.

ТОШКЕНТ. М. Горький номи билан маданият ва истироҳат боғида шанба кунини соат 12.00 дан бошлаб СССР Ҳарбий-денгиз флоти кунига бағишланган тадбирлар ўтказилди. Унда Улуг Ватан урушида иштирок этган совиқ Ҳарбий денгизчилар қатнашишди. Шунингдек, бу ерда шаҳримиз ёш спортчиларининг кўргазмалари чиқишлари бўлади. Соат 19.00 да эса Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Улуг Ватан уруши иштирокчиси А. Эшонкулов билан учрашув ўтказилди.

Яқинда кунини соат 11.00 да болалар майдончасида кичиктоиларга бағишланган оммавий қизиқарли программа намойиш этилади. Соат 20.00 да «Юдуз» шаҳар маданият уйининг концерт программаси намойиш этилади.

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИ. 33-турар-жойлардан фойдаланиш бошқармасининг клубида «Театр афисчалари бўйлаб саёҳат» тематик кечаси ўтказилди. Унда сиз пойтахтимиздаги мавжуд театрлар тарихи, уларнинг актиёрлари билан яқиндан танишишларингиз мумкин. Шунингдек, бу ерда театрлар тарихи санасига бағишланган викторина ҳам ўтказилди.

ЧИРЧИҚ. «Элетрохим-пром» ишлаб чиқариш бирлашмаси стадионида шанба кунини соат 19.00 да Чирчининг «Чимён» ҳамда Хиванин «Хива» командалари ўртасида ўртоқлик учрашуви ўтказилди. Солиқни билетлардан тушган маблағ Черновиль АЭСи аварияси оқибатларини тугатиш учун 904-счётга ўтказилди.

ОҚЎРҒОН РАЙОНИ. Оқўрғон спорт клубида шанба кунини соат 10.00 да волейбол, стол тенниси ҳамда сузиш бўйича аёллар ўртасида област спартакиада мусобақалари ўтказилди.

Яқинда кунини савдо ходимлари кунига бағишланган оммавий сайил бўлади. Унда футбол, шахмат-шашка, стол тенниси мусобақалари ҳамда район маданият уйининг «Каскад» вокал-чолгу ансамбли концерт программаси намойиш этилади.

ОЛМАЛИҚ. Кон-металлургия комбинатининг «Дельфин» сузиш бассейнида комбинат ишчи ва хизматчиларининг актив дам олиш кунини ўтказилди.

ПИОНЕРЛАР
ОРОМГОҲИДА

Тошкент райониди Абдураҳмонов номи совхоз марказида жойлашган «Ғунча» пионерлар лагериди Ҳар йили совхоз илчи хизматчиларининг 100 дан ортиқ фарзандлари ёзи тағтил кунларини мароқли ўтказишпти. Болалар айниқса, ширка, театрларга боришни сабрсизлик билан кутадилар. ҳайвонот боғини томоша қилдилар, походларга чиқишни жуда яхши кўрадилар.

Музыка-хор тўғрагининг қатнашчилари иштирокида «Ҳар доим бўлсин кўш», «Биз тинчликни истаймиз» темаларида кўрик конкурслар ўтказилиши ҳам ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

А. ИСАЖОНОВ.

«ИСКРА»
БАҲСГА
ЧОРЛАЙДИ

В. И. Ленин номидаги электрон-техника заводининг комсомол-ёшлари ташаббуси билан тузилган «Искра» баҳс клуби фаолиятини ишчилар хурсанд. Клубда турли мавзуларда баҳслар, актуал муаммолар юзасидан савол-жавоб кечалари ўтказилди. Ишдаги ютуқ ва камчиликлар ҳам муҳокама қилиб турилади. Бу тадбирлар ёшларнинг ҳаётда ўз ўринларини тезроқ топишида, уларни жамоат ишларига жалб этишда муҳим роль ўйнамоқда.

Яқинда клубнинг навбатдаги йиғилишида ишчиларнинг маданий ҳордиқ проделмалар ҳақида батафсил суҳбатлашмоқ олинди. Унда белгиланган режаларга кўра областимиздаги «Янгибозор», «Чимён», «Искра» каби хушманзара жойларга савхатлар уюштирилди, шунингдек, клубда мунтазам равишда қизиқарли учрашувлар, дискотекалар ташкил этиб турилади.

А. ҲУСЕНОВ.

Янги полиграфия
комбинати

Республикамиз пойтахтида яна бир полиграфия комбинати бунёд этилмоқда. Ўзбекистон ЛКМС Марказий Комитети «Ёш гвардия» наприётининг бу йирик полиграфия базасини малакали кадрлар билан таъминлаш тадбирлари ҳам кўриб қўйилди.

Шаҳримиздаги 2-ўрта хунар-техника билим юрти улкан қорхонага муносиб ўринбосарлар тайёрлаб беришда катта фаолият кўрсатади. Янги ўқув йилида унинг бағрига 100 га яқин йигит-қиз келиб қўйиладди. Москва яқинида жойлашган Можайск шаҳридаги 70-хунар техника билим юрти педагогик коллективини ҳам турли мутахассисликдаги ёш полиграфчиларни тайёрлашда кўмаклашадилар.

А. АЛИЕВ.

РЕКЛАМА
ВА ЭЪЛОНЛАР

АВТОМОБИЛЬ ҲАВАСКОРЛАРИ
ДИККАТИГА!

«УЗПОРТТОРГ» МАГАЗИНЛАРИ
ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАР ВА МОТОЦИКЛЛАР
(кажавали ва кажавасиз)

КОМИССИОН САВДОСИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ
МАГАЗИНЛАР АДРЕСИ:

- 14 магазиннинг филиаллари 1-филиал — Тошкент шаҳри Б. Хмельницкий кўчаси, 78 «а» уй.
- 2-филиал — Тошкент шаҳри, Юнусов бозори;
- 3-филиал — Тошкент шаҳри, Қорақамиш массиви бозори;
- 4-филиал — Тошкент шаҳри, Қўйлиқ бозори;
- 4-магазин — Чирчиқ шаҳри, Морозов кўчаси, 1-уй;
- 18-магазин — Ангреш шаҳри, Ленин кўчаси, 6-уй;
- 21-магазин — Оҳангарон шаҳри, 52-қуваргал;
- 23-магазин — Нармонов шаҳри, Ляхачев кўчаси, 21-уй;
- 34-магазин — Олмалиқ шаҳри, К. Маркс кўчаси, 21-уй;
- 44-магазин — Бекобод шаҳри, Навоий проспекти.

«УЗПОРТТОРГ» РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН САВДО ИДОРАСИ. (телефон 35-05-13).
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШТИРИЛГАН РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

Ўзбекистон ССР хунар-техника таълими давлат комитети
«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» қошидаги
6-ЎРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1986—1987 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги касблар бўйича малакали ишчилар тайёрлайди: МИНОРАЛИ КРАН МАШИНИСТИ, ЭКСКАВАТОР МАШИНИСТИ, БУЛЬДОЗЕР МАШИНИСТИ.

Билим юртига ўрта мактабни битирган йигит ва қизлар ҳамда Совет Армияси сафиди хизматни ўтаб қайтган йигитлар қабул қилинади. Уларга ойига 75 сўм стипендия берилади, ҳамда ишлаб чиқариш практикаси даврида машинанинг 50 проценти тўланади.

Ўқиш муддати 6 ой бўлиб узлуksиз меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини «аъло» баҳолар билан тугатган ўқувчиларга ўрта-махсус ва олий ўқув юртиларига кириш ўқиш учун йўлнамалар берилади.

Билим юрти қошида вокал-чолгу ансамбллари, фото ва рассомлик тўғраклари, турли спорт секциялари мунтазам ишлайди.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши керак: билим юрти директори номига ариза, паспорт (гувоҳнома), маълумоти ҳақида ҳужжат, турар жойидан справкаи, ота-онанинг иш жойидан справкаи, медицина справкиси, таржимаи ҳоли, характеристика, 6 донна фотосурат (3х4 см.).

Ҳужжатлар қуйидаги адресда қабул қилинади. Тошкент шаҳри: Луначарский шоссе, 69-уй (1, 4, 101 «а», 63-автобусларнинг М. Горький метро станцияси, 17, 18-троллейбусларнинг, 6, 13, 22-трамвайларнинг «Партия мактаби» бекатлари).

Ўзбекистон ССР хунар-техника таълими давлат комитети
ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИНING 243-АВИАРЕМОНТ ЗАВОД БАЗАСИДАГИ

20-ЎРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1986—1987 ўқув йили учун

ҚУНИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БУЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

учиш аппаратларини соловчи слесарь, авиадигителларни соловчи-слесарь, учиш аппаратлари ускуналарини ва ремонтни бўйича электромонтажчи, газ-электр пайвандчи, кенг профилли станокчи.

8-синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати 3 йил. Ўрта маълумотлилар учун эса ўқиш муддати бир йил.

Билим юртига 15 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ 8-10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ИЙГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртини битирганлар граждан авиациясининг 243-авиаремонт заводида ишга юборилади. Завод хизматчилари граждан авиацияси учун белгиланган ҳамма имтиёزلардан фойдаланадилар.

Билим юртида 3 йил ўқийдиган ўқувчилар тўла давлат таъминотида бўладилар. Бир йил ўқийдиганларга эса ҳар ойда 80 сўм ҳажмда стипендия берилади.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топан меҳнат қадарларининг 50 процентини оладилар.

Билим юртида ҳар хил тўғраклар ва спорт секциялари, вокал-чолгу ансамбли, мотоклуб, радиотехника секцияси ва мерганли секциялари мавжуд. 16 ёшга тўлган ўқувчилар авиаклубга қабул қилинади.

Билим юртини муваффақиятли битирганлар граждан авиацияси институтлари ва билим юртлари ҳамда ҳарбий билим юртига ўқишга юборилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: билим юрти директори номига ариза, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, ота-онанинг иш жойидан справкаи, 288-формадаги медицина справкиси, турар-жойидан справкаи, 5 донна 3х4 см., 3 донна 6х4 см. ҳажмдаги фотосурат.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, (25, 66, 61, 40 «а»-автобусларнинг «Транспорт институти» бекати). Телефонлар: 99-96-46, 99-94-50.

Ўзбекистон Компартияси
Тошкент область китоб-севавлар кўнгили ташкилотини шу ташкилотнинг масъул секретари М. Аллиматовага отаси

Собир
ЮСУПОВНИНГ
вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ
ҲАКИКАТИ
«Ташкентская правда»
ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА
КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ
ЎЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО
СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД
КЎЧАСИ, 32

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750, БУЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; партия турмуши — 325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325556; қишлоқ ҳўжалиги — 325647; пропаганда — 337010, 325749; совет қурилиши — 325733; маданият — 325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325645; кунги навбатчи — 325553; эълонлар бўлими — 325727.

Индекс: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12